

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:

№ MD5A510117-202  
201 7 йил « 21 дек »



АНДРОЛОГИЯ  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000 – Соғликни саклаш ва ижтимоий таъминот  
Таълим соҳаси: 510000 – Соғликни саклаш  
Мутахассислик: 5A510117 – Урология

Тошкент – 201 7

Узбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг 201~~7~~<sup>7</sup> йил  
~~22~~<sup>29</sup> "08" даги 474 - сонли буйруғининг 3 -иловаси билан фан  
дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Соғликни саклаш вазирлигининг Тиббиёт таълим  
мұсассасаларо Мувофиқлаштирувчи услубий Кенгашининг 201~~7~~<sup>7</sup> йил  
~~29~~<sup>29</sup> "06" даги "2" – сонли баённомаси билан маъкулланган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чикилди

### ТУЗУВЧИЛАР:

- Акилов Ф.А. - Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси мудири,  
т.ф.д., профессор.  
Гиясов Ш.И. - Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси доценти,  
т.ф.д., "Урология" мутахассислиги буйича магистратура  
директори.  
Худайбердиев Х.Б. - Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси  
ассистенти.

### ТАҚРИЗЧИЛАР:

- Мирхамидов Ж.Х. – Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси  
доценти, т.ф.н.  
Мухтаров Ш.Т. - Республика ихтисослаштирилган урология маркази АЖ  
директории в.в.б., т.ф.д.

Фан дастури Олий ва урта маҳсус, касб-хунар таълими йуналишлари  
буйича Укув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи  
Кенгашининг 201~~7~~<sup>7</sup> йил "18" "08" даги 4 -сонли баённомаси билан  
маъкулланган.

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Уролог (андролог)- тиббиёт олий ўқув даргоҳини тутатган, юқори малакали тиббий ёрдам кўрсата оладиган ҳамда доимий профилактика чора-тадбирларини ўтказадиган мутахассислардир. Андрология эркаклар жинсий аъзолари касалликларининг диагностикаси, даволаш ва профилактикасининг муҳим асосларидан биридир. Юкори малакали шифокор-андрологларни (урологларни) магистратура оркали тайёрлаш соғлиқни сақлаш муассасаларининг турли соҳаларини (поликлиника, госпитал ва марказлар) ахолида юкори сифатда даволаш-профилактик ёрдам курсатадиган кадрлар билан таъминлаш имконини беради. Илмий ва педагогик фаолият малакаларни ўзлаштирган магистр-андролог (уролог) Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимиning захирасида бўладилар.

Ўқув режасига асосан, урология-андрология мутахассислиги буйича магистратура 3 йиллик кундузги ўқув шаклида бўлади. Назарий машғулотларга 558 соат (амалий машғулотларга 360 соат, мустақил таълим 198 соат), хаммаси бўлиб – 20 ҳафта ажратилган. Аудитория машғулотлари ва магистрлик амалиётининг максимал нагрузкаси (юкланмаси) хафтасига 36 соат қилиб белгиланган.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Андрология фанини ўқитишдан мақсад талабаларни:

- эркак жинсий азоъларини касалликлари ҳамда уларнинг асоратларининг диагностикаси, даволаш ва профилактикасининг малакаларини урологиянинг сўнгги ютуклари ва энг замонавий медицина технологиялари асосида излаштирган юкори малакали мутахассис тайёрлаш;
- андрологик касалликлар ҳамда уларнинг асоратларининг диагностикаси ва даволаши, тезкор ёрдам учун зарур булган малакаларни ўзлаштирган юкори малакали мутахассис андролокнинг мустақил амалий фаолият кўрсатиш малакаларини ривожлантириш;
- энг кўп тарқалган андрологик касалликларни учраш сонини камайтиришга қаратилган профилактик тадбирларни амалга ошириш малакаларини ривожлантириш;
- андрологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси янги технологияларини излаш ва ишлаб чикиш, ўтказилган илмий текшириш натижаларини таҳлил килиш, умумлаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш малакаларини ривожлантириш;
- андрологик касалликлардаги баъзи патологик жараёнларни моделлаштириш ва патогенезини ўрганиш малакаларини ривожлантириш;
- медицина олий ўқув юртлари урология (андрология) кафедраларида ёки курсларида педагогик малакаларини ривожлантириш;
- андрологик касалликлар билан оғриётган ёки бошидан ўтказган беморларни ижтимоий реабилитацияси ва ҳаёт шарт-шароитларини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш малакаларини ривожлантириш;

- андрологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси, янги технологиялар буйича тематик цикллар, услубий семинарлар ва мутахассис шифокорлар билан консультация тайёрлаш ва ўтказиш малакаларини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимида умумий ва ихтисослаштирилган йуналишларида хамда Давлат фан ва тальим комитети органларида маъмурий бошқариш малакаларини ривожлантириш.

### **Фан бўйича талаба-магистрантлар билимига, кўникма ва малакасига кўйиладиган талаблар.**

«Урология» магистратура йуналишини андролог магистри:

-эркак жинсий азоъларини функционал анатомиясини;

- эркак жинсий азоълари касалликларини симптоматикасини;

-эркак жинсий азоъларини функционал анатомиясини;

-пастки сийдик йўллари, эркаклар жинсий аъзолари инфекцион – яллиғланиш касалликлари (сийдик-таносил сили ҳам) ва уларнинг асоратларини, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши, замонавий ташхислаш усуллари, даволаш ва олдини олиш йўлларини;

-жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларни, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши, замонавий ташхислаш усуллари, даволаш ва олдини олиш йўлларини;

-сийдик копи, уретра, эркаклар жинсий аъзолари ривожланиш аномалияларни, этиологиясини, клиникасини, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усулларини;

-эркаклар бепуштлигининг этиологиясини, ташхис ва даволашнинг замонавий усуллари **ҳақида масаввурга эга бўлиши;**

- андрологик касалликларни физикал усуллари билан текшириш;

- андрологик касалликларни лаборатор, инструментал усуллари билан текшириш, клиник, биохимик, бактериологик, радиоиммун ва бошқа текширувлар;

- андрологик касалликларни ультра товуш текшируви, экстра ва интракорпорал сканирлашнинг барча усуллари;

- андрологик касалликларни рентген ва радиологик текширувлар, стандарт текширувлар, КТ ва ЯМР;

- андрологик касалликларни уродинамик усуллар билан текшириш;

- цистоуретроскопия, уретероскопия ва нефроскопия текширувларини ўтказиш;

- замонавий классификацияларга асосланган ҳолда тахминий, клиник ва

якуний ташхис қўя билиши, сийдик йўллари инфекцияси бор касалларни текшириш режасини тузиши; уретерит, простатит ва везикулит касалликларида клиник – лаборатор, иммунологик, морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик текшириш усуллари натижаларини таҳлил қилиши;

- сийдик йўллари инфекцияси бўлган касалларга алоҳида ёндошган ҳолда комплекс даво усулларини тайинлаш;
- замонавий классификацияларга асосланган ҳолда тахминий, клиник ва якуний ташхис қўя билиши ва даволаш режасини тузиши;
- варикоцеле, этиологиясини, замонавий ташхис ва даволаш усулларини;
- эректил дисфункция, этиология, замонавий ташхис ва даволаш усулларини;
- замонавий классификацияга кўра бошланғич, клиник ва якуний ташхисини шакллантиришни, эркаклар бепуштлиги, варикоцеле ва эректил дисфункцияси бўлган беморларда текшириш режасини тузиш;
- эркаклар бепуштлиги, варикоцеле ва эректил дисфункцияси касалликларида клинико-лаборатор, иммунологик, морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик усуллар билан текширувларни интерпретация килишни;
- эркаклар бепуштлиги ва эректил дисфункциясида даво тавсия килишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- везикоцеле жарроҳлик муолажа ўтказишни;
- эркаклар бепуштлиги. Варикоцеле ва эректил дисфункциясида жарроҳлик муолажаларини ўтказиш **кўникмаларига эга бўлиши зарур.**

Магистр ихтисослигига қўйиладиган муайян талаблар кадрлар буюртмачиларининг талаблари ва ушбу мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

“Андрология (урология)” мутахассислиги фани Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида замон талабларига жавоб берувчи тиббий ёрдам қўламини оширишнинг асоси ҳисобланади. “Андрология (урология)” магистратура йуналиши буйича билим олиш умумий амалиёт шифокори тайёрлаш таълим дастури буйича тиббиёт олий ўқув юрти муассасаларида олинган билим ва амалий кўникмаларга, ўтилган ўқув фанларига асосланади: нормал анатомия; нормал физиология; патологик анатомия ва гистология; патологик физиология; биохимия; микробиология; ички касалликлар

пропедевтикаси (лаборатор диагностика усуллари билан); ички касалликлар; хирургик касалликлар; анестезиология ва реаниматология; инфекцион касалликлар; эндокринология; гематология; касб касалликлари; акушерлик ва гинекология; клиник фармакология; болалар жаррохлиги; онкология; психиатрия; асад касалликлари; педиатрия ва бошқалар.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Андрология (урология)” магистратура йўналиши талаба-магистрантлари мутахассислик фанларини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илгор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим ахамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришида дарслиқ, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материалларидан фойдаланилади. Шу билан биргаликда интернет тармоғидан фойдаланиш хам кўзда тутилади. Амалий машғулотларга мос равишдаги илгор педагогик технологиялар қўлланилади. Масалан: фаннинг умумий ва хусусий бўлимларига тегишли мавзуларида ўтказиладиган ақлий ҳужум, қора қути, ўргимчак ини, гуруҳли фикрлаш ва бошка педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

#### **Асосий қисм: Фаннинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Асосий қисмда фаннинг мавзулари мантикий кетма-кетликада келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар, назарий ва амалий мисоллар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича талабаларга ДТС асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг тибиёт соҳасидаги иш берувчилар талаблари ва соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳатларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгти ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

### **III. Асосий назарий қисм (семинар машғулотлари)**

#### **Эркаклар таносил аъзолари функционал анатомияси ва андрологик касалликларни ташхислашнинг замонавий усуллари:**

Ковуқ ва эркаклар таносил аъзолари анатомияси ва физиологияси. Урологик-андрологик касалликлар семиотикаси. Андрологик касалликларнинг физикал, лаборатор (шу жумладан иммунологик текширувлар) ва интсрументал (урофлюметрия, цистоманометрия, электромиография, рентгенологик, ультратовуш, радиоизотоп, компьютер томография, MRI, эндоскопик текширувлар) ташхислаш методлари.

## **Сийдик йуллари инфекцияси:**

Уретритлар – носпецифик ва специфик (гонореядан сўнг, трихомонададан сўнг, хламидияли, уреаплазмали, микотик, паразитар). Уретритларнинг асоратлари (простатит, везикулит, эпидидимит ва орхит). Уларни даволашнинг ўзига хос хусусиятлари. Генитал яралар. Венерик лимфагранулема. Генитал сўгаллар (ўткир учли кондилома). Этиологияси, намоён бўлиши ва даволаш усуллари (эндоскопик).

Простатанинг яллигланиш касалликлари (простатитлар). Этиологик ўмиллар (специфик ва носпецифик). Простатит патогенези. Таснифи: I-ўтирил бактериал простатит; II-Сурункали бактериал простатит; III-Сурункали абактериал простатит\сурункали тос оғриги синдроми: А. яллигланиш компоненти билан. Б. яллигланиш компонентсиз. Симптомсиз простатит.

Простатит бўлган беморларга ташхис қўйиш усуллари: анкета-сўровномаларни тўлдириш (сурункали простатит симптомлари индекси), простатани тугри ичак орқали бармоқ билан текшириш, локализацион синама, эякулят тахлили, простата USC, простата ингичка нинали аспирацион биопсияси. Простатит асоратлари (простата абсцесси). Простатитларни давлош асослари (антибактериал терапия – умумий ва махаллий, иммунокоррекция ва жаррохлик билан даволаш). Простатит в бепуштлик.

## **Андрология:**

Уруғдонлар анатомияси ва эмбриологияси. Уруғдонлар физиологияси ва эндокрин функцияси хамда сперматогенез. Уруғдон ортигининг функционал ахамияти. Бепуштлик сабаблари. Уруғдон касалликлари диагностикаси: рутин ва замонавий текширув усуллари. Даволаш: медикаментоз ва жаррохлик (шу жумладан микрожаррохлик усулларини кўллаган холда). Сунъий уруғлантириш муаммолари.

Варикоцеле тушунчаси. Варикоцеленинг этиологияси ва патогенези (веноз гипертензиянинг ахамияти, идиопатик варикоцеле). Варикоцеленинг клиник кўриниши ва таснифи (I, II, III ва IV типлар). Инструментал диагностика усуллари (доплерография, флебография). Асоратлари. Даволаш: анъянавий (Иванисевич, Палома операциялари ва чов канали орқали варикоцелектомия бажариш), эндоваскуляр (склеротерапия) ва микрохирургик (веноз анастамозлар).

Эректил дисфункция (ЭД). Жинсий олат анатомияси ва физиологияси. Эрекция: физиологик ва эндокрин механизмлар. Эректил дисфункцияга олиб келиши мумкин бўлган соматик касалликлар (юрак ва томир касалликлари, СБЕ, нерв тизими касалликлари ва қандли диабет). Эректил дисфункцияниг рухий назарияси. ЭД клиникаси ва таснифи (нейрогуморал, рухий, эрекцион ва эякулятор таркиблар). ЭД диагностикаси (папаверинли тест, генитал рефлексларни текшириш, доплерография, тунги пенил туминисценцияни аниқлаш усули, кавернозография, кавернозометрия, артериография). ЭД ни даволаш: психотерапия, гормонотерапия ва жаррохий коррекция.

## **IV. Амалий машғулотлар бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

### **5.2.2.11 Андрология:**

**Ротация максадлари:** Андрологик касалликларда замонавий диагностика ва даволаш усулларини эгаллаш.

#### **Магистр қўйидагиларни бажара олиши зарур:**

-простата бези, пастки сийдик йуллари йирингли касалликларида, беспуштликда, варикоцеледа, эриктиль дисфункция ва бошқа холатларда локализацион синамаларни ўз ичига оладиган замонавий диагностик комплексларни амалга ошириш, гормонлар микдорини аниқлаш, тунги пеил туминисцесияни аниқлаш, вазафаол дори воситалари билан синамалар олиш, уруғдон биопсиясини ўтказиш;

-простата бези, пастки сийдик йуллари йирингли касалликларида, эриктиль дисфункцияда консерватив даволашни амалга ошириш.

## **V.Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

«Урология-андрология» фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлаш тизимидағи амалий масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимиға асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигига, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар қўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий докладлар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг ҳусусиятларини хисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

- \* дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;
- \* тарқатма материаллар бўйича назарий машғулотлар қисмини ўзлаштириш;
- \* компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- \* маҳсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;
- \* талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;
- \* интерактив ва муаммоли ўқитиши жараёнида фаол қатнашиш;
- \* масофавий (дистатцион) таълимни ташкил этишда қатнашиш.

## **VI. Асосий ва кўшимча адабиётлар хамда ахборот манбаалари.**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Урология. Проф. Акилов Ф.А. тахририятидаги тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Ташкент, 2011й. 759 бет.
2. Урология. Урология фани бўйича ўқув кўлланма (лотин алифбосида). Андижон, 2008, 480 бет.

### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Урология по Дональду Смиту. Э.Танаго. Москва, 2005 г
2. Patrick C. Walsh «CAMPBELL'S UROLOGY». Урологиядан кулланма, унинчи нашр
3. Урология. Основные разделы. Д.Ю.Пушкарь, Москва, 2010 г.
4. Заболевания предстательной железы. О.Л.Тиктинский, С.Н.Калинина. Москва, 2006 г.
5. Рентгенологическое исследование органов мочевой системы. Б.И.Ищенко. Москва, 2010 г.
6. Детская урология. А.Г.Пугачев. Москва, 2008 г.
7. Секреты урологии. М.Резник, Э.К.Новик. С-Петербург, 1998г.
8. Андрология. О.Л.Тиктинский. Москва, 2003 г.
9. British Journal of Urology.
10. Current opinion in urology.
11. European urology.
12. Journal of Endourology.
13. JAMA.
14. The Journal of Urology
15. European Urology video journal.

### **Интернет сайтлари**

- 1.Uroweb.ru
- 2.Urotoday.com
- 3.Medfix.ru
- 4.Ejgm.org
- 5.Sciencedirect.com
- 6.Egymedicine.net





